
Калдушонда “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида 4 км ички йўллар асфальтланмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [қарорига](#) асосан туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри “Менинг йўлим” лойиҳаси асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Бу тизим “Ташаббусли бюджет” жараёнларидан фарқли равишда ҳар йили бир мартаба ўтказилади.

Фурқат туманида жорий йилда “Менинг йўлим” лойиҳасида “Калдушон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни таъмирлаш ташаббуси маҳалла аҳлинининг уюшқоқлик ва баҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари билан 10 минг овоз билан ғолиб деб топилган эди, айни кунларда маҳалланинг 4 км ички йўллари асфальт ётқизиш ишлари бошланди.

Шунингдек “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг иккинчи босқичида ҳам ушбу маҳалла аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари натижасида овозлар сони бўйича пешқадамлар қаторида кетмоқда. Ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ таклифлари шу кунга қадар [4454 та овоз](#) тўплашга муваффақ бўлди.

Йўл қуриш ва унинг ободлигини таъминлаш савобли иш. Чунки, бу вазифа инсон қадр, эл розилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис жойларда ички йўлларни таъмирлаш бўйича мавжуд муаммоларнинг айнан фуқароларнинг талаб ҳамда таклифлари асосида ҳал этилиши уларнинг сифатли ва раван, манзилларнинг яқин бўлишига хизмат қилади.

2023-09-06 17:28:40